

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил январь ойининг 6 куни, жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, видеоқўнғироқ алоқа воситаси ёрдамида, Ж.Тожиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси С.Жумаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Қоровулбозор туман прокурорининг катта ёрдамчиси И.Мухторова, жабрланувчи Ш.Болтаева ва фуқаровий даъвогар Б.Яндашовнинг иштирокида, судланувчи Разоқов Дониёр Толибовичга оид 1-2009-2501/29-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Разоқов Дониёр Толибович /*Razoqov Doniyor Tolibovich*/ - 18.04.1990 йилда Вобкент туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта, оиласидан ажрашган, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2023 йил 16-ноябрь кунидаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан 1 йил муддатда озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Муборак туман судининг 2024 йил 5 январдаги ажримига кўра ЖКнинг 74-моддасига кўра озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмай қолган 8 ой 29 кун муддати ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ўтказиш шарти билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2024 йил 10-майдаги ажримига кўра ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган 8 ой 29 кун муддати, шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Муборак туман судининг 2024 йил 11 сентябрдаги ажрими асосида ЖКнинг 73-моддасига кўра, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмай қолган 5 ой 24 кун муддатидан илгари шартли озод қилинган, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Вобкент тумани “Найман” МФЙ, “Талиқулук” қишлоғида яшайди, суднинг 2025 йил 14 ноябрь кунидаги ажримига кўра, сиртдан “қамокқа олиш” эҳтиёт чораси ўзгартирилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 6 октябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни



## А Н И Қ Л А Д И:

Фуқаролик ишлари бўйича Ёрдаувон туманлараро судининг 03.06.2022 йилдаги суд буйруғига асосан қарздор Разоқов Дониёр Толибовичдан ундирувчи Болтаева Шоҳиста Ёрикул қизининг фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун ойлик иш ҳақи ва бошқа барча даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган бўлсада, қарздор Д.Разоқов фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаганлиги учун жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 16.11.2023 йилдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан 1 (бир) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлангандан кейин ҳам ўзига тегишли хулоса чиқармасдан 01.07.2023 йилдан 01.08.2025 йилга қадар яни 2 ойдан ортиқ муддат мобайнида вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан қасддан бўйин товлаб, хавфли рецидив жиноят содир қилган.

Давлат ижрочисининг 01.08.2025 йилдаги алимент қарзини қайта ҳисоблаш тўғрисидаги қарорига кўра қарздор Д.Разоқовнинг алиментдан бўлган қарздорлиги 35 млн. 915 минг 218 сўмни ташкил қилади.

Судланувчи Д.Разоқов суд мажлисида айбига тўлиқ иқролик билдириб, ҳақиқатдан ҳам жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланганлигини, жазони ўтаб бўлгандан кейин соғлиги ёмонлашиб, бир-икки ойча даволанганлигини, соғлигини тиклаб олгандан кейин иш топишга қийналиб, даромади яхши бўлмаганлиги учун 2023 йил июль ойидан 2025 йил август ойига қадар бўлган алимент тўловларини ҳам тўлай олмаганлигини, давлат ижрочисининг 01.08.2025 йилдаги алимент қарзини қайта ҳисоблаш тўғрисидаги қарорига кўра жами қарздорлиги 35 млн. 915 минг 218 сўмни ташкил қилишидан хабари борлигини, тергов давомида 2.400.000 сўм алимент пулини тўлаганлигини, агар озодликка чиқса қарздорликни ишлаб қоплаб беришини билдириб, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароити оғирлигини, оиласида ягона боқувчи эканлигини, қарамоғида қари ота-онаси ва синглиси борлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Ш.Болтаева суд мажлисида, унинг Д.Разоқов билан турмушидан 22.11.2020 йилда Толибова Шоҳнозобону Дониёр қизи исмли фарзанди дунёга келганлигини, турмуш ўртоғи билан ўртасидаги оилавий келишмовчиликлар сабабли алоҳида яшаб, бошқа оила қурганлигини фуқаролик ишлари бўйича Ёрдаувон туманлараро судининг 03.06.2022 йилдаги суд буйруғига асосан қарздор Разоқов Дониёр Толибовичдан бир нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун ойлик иш ҳақи ва бошқа барча даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундириш тўғрисида қарор чиққанлигини, Д.Разоқов фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаб алимент қарзларини тўламаганлиги учун дастлаб жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 16.01.2023 йилдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47<sup>4</sup>-моддаси билан унга нисбатан



15 сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланилгани, 2023 йил июль ойига қадар 7 млн. 691 минг 994 сўм алиментни тўламаганлиги учун жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 16.11.2023 йилдаги ҳукми билан 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига тортилганлигини, 2025 йил август ойига қадар бўлган қарздорлигини ҳам тўлашдан бўйин товлаб келганлиги учун давлат ижрочисининг 01.08.2025 йилдаги алимент қарзини қайта ҳисоблаш тўғрисидаги қарорига кўра, Д.Разоқовнинг алиментдан бўлган жами қарздорлиги 35 млн. 915 минг 218 сўмни ташкил қилишини, у дастлабки тергов вақтида 2.400.000 сўм тўлаганлигини, Д.Разоқовдан алимент тўловларини ундириб бериб, унга нисбатан қонуний жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар Яндашов Ботир Толибович суд мажлисида, Д.Разоқов бир нафар фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаб алимент қарзларини тўламаганлиги учун жами қарздорлиги 35 млн. 915 минг 218 сўмни ташкил қилганлигини, Д.Разоқов тергов вақтида 2.400.000 сўм тўлаганлигини, Д.Разоқовдан қолган алимент пулларини ундириб бериб, унга нисбатан қонуний жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг фикрини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг талабини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи Д.Разоқовнинг жиноят содир этишдаги айби, ўзининг иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, дастлабки тергов ва судда сўроқ қилинган жабрланувчининг кўрсатувлари, суд буйруғи ва алимент қарзини ҳисоблаш қарори, огоҳлантириш хатлари, мол-мулкни кўздан кечириш далолатномаси, тушунтириш хатлари, тилхат ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд дастлабки тергов томонидан судланувчи Д.Разоқовнинг муқадам худди шундай жиноятни содир қилганлиги учун судланганидан сўнг, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан қасддан бўйин товлаб, суд қарорига асосан ундирилиши лозим бўлган маблағни икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламасликда ифодаланган жинойий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-модда 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи Д.Разоқовнинг қилмишидан пушаймонлигини, оилавий аҳволини, оилавий аҳволини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унинг ҳаракатларида ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида “Шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарур.

Бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак”лиги белгиланган.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида “Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-кимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этилишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган энгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин”лиги қайд этилган.

Ушбу кодекснинг 8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги” белгиланган.

Бу масалада, судларга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарори билан судлар ҳукм чиқаришда жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий принциплардан бири инсонпарварлик принципи эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги ҳақида раҳбарий кўрсатмалар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 3-қисмида “Агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинади” деб, белгиланган.

Бироқ, ишда аниқланган ҳолатларда эса, Д.Разоқов жиноят иши бўйича етказилган зарарларни қоплаб бермаган.

Юқоридагиларга кўра, суд судланувчи Д.Разоқовга жазо тури ва миқдорини белгилашда, қайд этилган Қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, унинг шахси, оилавий шароитини, қилмишидан пушаймонлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноят содир этгунга қадар ва ундан кейинги ҳулқ-атвори, жиноят оқибатида етказилган зарар қопланмаганлигини, жабрланувчининг даъвоси борлигини ҳамда жазони оғирлаштирувчи ва энгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни инобатга олиб, унга у айбланаётган модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига асосан жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2023 йил 16 ноябрь кунидаги ҳукмига асосан тайинланиб, ЖИБ Муборак туман судининг 2024 йил 11 сентябрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддаси тартибида муддатидан шартли равишда озод қилиниб, ўталмасдан қолган жазо муддатини ушбу ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топди.



Суд, Д.Разоқовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми “в” бандига асосан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўтатиришни лозим топди.

Суд, ҳукм қонуний кучга киргач, Д.Разоқовдан фуқаровий даъвогар Ш.Болтаеванинг фойдасига 33.515.218 сўм алимент қарздорлигини ундиришни белгилашни ҳамда Д.Разоқов томонидан тергов жараёнида 2.400.000 сўм тўланганлигини инобатга олишни лозим топди.

Шунингдек, суд фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судининг 03.06.2022 йилдаги суд буйруғига асосан қарздор Д.Разоқовдан ундирувчи Ш.Болтаеванинг фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзанди таъминоти учун иш ҳақи ва бошқа барча турдаги даромадларининг 4/1 қисми миқдоридан алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати юзасидан мажбурий ижро ҳаракатларини давом эттиришни белгилашни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471, 497<sup>1</sup>-497<sup>4</sup>-моддаларини қўллаб, суд

### ҲУКМ ҚИЛДИ:

**Разоқов Дониёр Толибович /Razoqov Doniyor Tolibovich/** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Разоқов Дониёр Толибовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 2-қисми билан 2 /икки/ йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Разоқов Дониёр Толибовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига асосан жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2023 йил 16 ноябрь кундаги ҳукмига асосан тайинланиб, ЖИБ Муборак туман судининг 2024 йил 11 сентябрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддаси тартибида муддатидан шартли равишда озод қилиниб, ўталмасдан қолган жазо муддатини ушбу ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 2 /икки/ йил 1 /бир/ ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 15 декабрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Д.Разоқовга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, Д.Разоқовдан жабрланувчи Ш.Болтаеванинг фойдасига 33.515.218 сўм алимент қарздорлиги ундирилсин.

Фуқаролик ишлари бўйича Гиждувон туманлараро судининг 03.06.2022 йилдаги суд буйруғига асосан қарздор Д.Разоқовдан ундирувчи Ш.Болтаеванинг фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзанди таъминоти учун иш ҳақи ва бошқа барча турдаги даромадларининг 4/1 қисми миқдоридан алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати юзасидан мажбурий ижро ҳаракатлари давом эттирилсин.



Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан 10 /ўн/ сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчига ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали Бухоро вилоят судининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация инстанциясига кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест келтиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:**

**Ж.М.Тожиев**

